O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Da'vat**

***Илм кўпга етказар,
Ҳунар эса кўкка.***

**ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛИ**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 4 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 26 (7325)

**Ibrat**

***Бўз туманида янги қурилиш касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Ҳар йили 200 нафар ўқувчини ўз бағрига оладиган муассаса бешта ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлайди.***

## *Ўзбекистон — Германия*

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида нафақат савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалар бўйича мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда, балки мамлакат илмий салоҳиятини белгиловчи таълим соҳасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Айниқса, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларимиз кун сайин тобора кенгайиб бормоқда.

Германия Федератив Республикасига Федерал президент Йоҳаннес Рау таклифига биноан Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга шу кунларда давом этаётган расмий ташрифи чоғида иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ бир қанча масалалар қаторида илм-фан соҳасидаги мавжуд ўзаро алоқалар кўламини ошириш ҳам назарда тутилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари расмий ташриф олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида республикамизда ушбу йўналишда иш олиб бораётган институт ва ташкилотлар фаолиятига алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси орқали ўзбек талабалари ва аспирантларининг ГФРнинг қатор олий ўқув юртларида таҳсил олиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, Тошкент архитектура қурилиш институтининг Ваймер қурилиш университети билан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Бохум университети билан, бундан ташқари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Нукусдаги университетларнинг Германиянинг Гумбольд номидаги, Бамберг, Геттинген, Гамбург университетлари билан бугунги ҳамкорликлари самарали ривожланмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда 3 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Гёте халқаро институти ташаббуси билан пойтахтимиздаги архитектура ва қурилиш институтида немис қироатхонасининг ташкил қилиниб, унинг жами 5000 томлик немис тилидаги адабиётлар, аудио, видеотасмалар билан таъминлаганлигини таъкидлашимиз жоиз. DAAD — немис академик алмашинув хизмати томонидан 2000 йилда 54 та стипендия белгиланиб, 3 та академик гуруҳнинг саёҳати молиялаштирилган. Бундан ташқари, ушбу хизмат йилига 7 та аспирантлик, 2 та иқтисодиёт йўналишида, 2 та немисшунослик бўйича, 2 та қисқа муддатли, 9 та Германияда ва 17 та Тошкентда ўтказилган олий ўқув юртларининг ёзги курсларини ҳамда олимларимизнинг саёҳатлари учун мўлжалланган 15 та стипендияни маблағ билан таъминлаган.

Мана икки йилдирки, Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти мамлакат таълим тизимидаги муҳим бўғин ҳисобланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш мақсадида "Ўзбекистонда бошланғич касбий таълимни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси билан иштирок этмоқда. 2003 йилнинг ёзига қадар давом этадиган мазкур халқаро лойиҳага асосан айни пайтда республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва пойтахтимизда жойлашган 5 та касб-ҳунар коллежларида тижорат, қишлоқ хўжалик, меҳмонхона хўжалиги ва туризм йўналишлари бўйича айрим мутахассисликларнинг замонавий ўқув режа ва дастурлари тайёрланиб, тажриба-синовдан ўтказилмоқда.

Газетамизда аввал хабар берганимиздек, шу кунларда пойтахтимиздаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида германиялик мутахассис-олимларнинг иштирокида халқаро семинар давом этмоқда. Касб-ҳунар таълимида сифатни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва мослаштириш масалаларига бағишланган мазкур семинарда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ ушбу тизимдаги сифат стандартлари, мониторинг хизматлари, менежмент ва маркетинг хусусида маърузалар тингланиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар ташкил этилаяпти. Семинар давомида Тошкент Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ҳамда "Ўзбек-Қобул текстил" қўшма корхонасига саёҳатлар уюштирилди. Германиялик олимларнинг таъкидлашларича, семинардан кўзланган мақсад ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчиларга таълим мазмунини яхшилаш, уларни янги педагогик технологиялар билан таъминлаш, малака ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Яна бир мисол. Германиянинг Гёте халқаро институти маълумотларига кўра, мазкур институт DAAD — немис академик алмашинув хизмати ва ZFA — хорижда мактаб таълими масалалари бўйича маркази билан ҳамкорликда шу йилнинг 5-7 апрель кунларида мамлакатимиз таълим муассасаларида меҳнат қилаётган немис тили ўқитувчиларининг биринчи республика анжуманини ўтказмоқда. Уч кун давом этадиган ушбу тадбирда 200 нафардан зиёд ўзбекистонлик немис тили ўқитувчилари жами 14 та шўъбада иш олиб боришади. Унда олмон тили услубиёти, уни ўқитиш усуллари муҳокама қилиниши, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олмон ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар кутилмоқда. Анжуман қатнашчиларига Гёте институти, Халқ таълими вазирлиги ва Республика Таълим маркази ҳамкорлигидаги лойиҳа асосида тайёрланган ва 2000 йилда "Йилнинг энг яхши дарслиги" деб топилган 5-синф ўқувчилари учун немис тили дарслиги, аудиокассета ва ўқитувчилар учун методик қўлланма тақдим этилади. Бундан ташқари, ушбу давлат турли хил нашриётлари кўргазмасининг ташкил этилиши ҳам анжуман аҳамиятини оширади, албатта.

Биз юқорида Ўзбекистон билан Германия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг айримларигагина тўхталдик, холос. Олдимизда эса йирик-йирик лойиҳалар, икки томонлама амалий таклифларнинг бўлиши ва уларнинг самарали натижа бериши аниқлигига ишонамиз.

**Нурлан УСМОНОВ,**
**"Маърифат" мухбири**

# ОЛАМ ВА ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

**Инсон маънавияти, моддийлик ва маънавийлик тушунчаларининг уйғунлиги хусусида айрим мулоҳазалар**

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Эндиликда биз дунё билан бевосита мулоқот қилмоқдамиз. Дунёни кўриш, жаҳонда бўлаётган ўзгаришларни билиш имконияти билан маърифийлашганлик омилини қиёсласак қандай хулосаларга келишимиз мумкин?

Биринчидан, ҳар бир халқ эркин, фаровон ҳаётда яшаш ҳуқуқига эга ва буни азиз билади. Жумладан, ҳар бир инсон ҳам бундай ҳуқуққа эгаки, ундаги хоҳиш ва истакни тўғри тушунмоқ ва тўғри муносабатда бўлмоқ зарур. Лекин ҳар қандай хоҳиш-истак ўз-ўзидан амалга ошмайди. Иккинчидан, инсоннинг яхши турмуш кечириш ёки кечирмаслиги унинг маънавий салоҳиятига ва у яшаётган мамлакатдаги мавжуд имкониятларга, тўғрироғи, унинг ўзига, ҳаётда тутган ўрни, фаолияти ва масъулиятига бевосита боғлиқ. Яхши яшашни ҳар ким орзу қилиши мумкин, лекин бунинг учун, аввало, чинакамига меҳнат қилиш керак бўлади. Яхши ишлаш учун эса хоҳиш, зарурий билим, маданий-техник салоҳият, шарт-шароит ва бошқа асослар талаб этилади. Кишининг ўз Ватанини озод ва обод, эркин ва фаровон кўриш орзуси, туйғуси фаолияти билан уйғун бўлиши бу борада муҳим аҳамият касб этадики, айни пайтда бу замондошларимизга хос хусусиятдир. Демак, фаровон яшашни орзу қилган ҳар бир инсон ўз мамлакати, халқи, Ватани, давлати учун нима бераётганини аниқ баҳолай билиши лозим.

Бугунги кекса авлод мустақилликни, эркин ҳаёт ва турмушни ардоқлаб, шундай кунларга етиб келгани учун шукроналар айтаётган бўлса, ўрта авлод ҳаётга нисбатан талабчанроқ қараётгани, айрим ҳолларда истеъмолчилик кайфиятида эканлиги ҳам сезилади. Ёш авлод эса энди фаол ҳаётга кириб келмоқда. Ёшларнинг ҳаёт тўғрисидаги қарашлари ҳозир шаклланиш жараёнида. Шунга қарамай, уларнинг ҳаётдаги ўзгаришларни, янги талабларини идрок этишда масъулиятни англаш туйғуси, ҳиссиёти мавжудлигини пайқаш қийин эмас.

Бозор шароити мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, унинг маънавий-ғоявий негизларини тубдан ўзгартирди. Кекса авлод бошидан мустабид тузум ўрнатган оғир, машаққатли ҳаётни, уруш ва қатағонларни ўтказган, уларнинг ҳаётга қарашлари шу негизда шаклланган. Бугунги кундаги ютуқлар, имкониятлар, тинч-осойишта турмуш уларни қаноатлантиради. Ўрта авлод эса янги, мустақиллик шароитидаги ўзгаришларга дуч келди. Мустақиллик мамлакат ҳаётида яқин ўтмишда амал қилиб келинган кишиларнинг ҳаёт тўғрисидаги, яшашнинг мазмуни ва маъноси борасидаги қарашларини ўзгартирмоқда.

(Давоми 2-бетда)

# РАҚОБАТ МУҲИТИ ЯРАТИЛСА

**ёхуд ўқитувчилар кийимини жорий этиш мумкинми?**

***"Йил ўқитувчиси — 2000" кўрик-танловининг Жиззах вилояти бўйича вилоят босқичи ғолиблиги Жиззах шаҳридаги Отаулла Охунбобоев номидаги 6-ўрта мактабнинг ёш ўқитувчиси (мутахассислиги иқтисодиёт ва информатика фанидан) Рустам Муродовга насиб этди. Рустам 1972 йилда Жиззах шаҳрида туғилган. 1995 йилда Жиззах Давлат Педагогика институтининг индустриал-педагогика факультетини тамомлаб, шаҳардаги 6-ўрта мактабда иш бошлаган. Айни пайтда Жиззах Давлат Политехника институтининг иқтисодиёт ва менежмент факультетида ҳам сиртдан таҳсил олмоқда. Ҳаракатчан, ёш ўқитувчининг иш фаолиятини кузатсангиз, унинг вилоятда энг яхши ўқитувчи деб топилганлиги бежизга эмаслигига амин бўласиз.***

***Қуйида берилаётган ёш ўқитувчининг таклифлари сиз азиз муштарийларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб умид қиламиз. Ва бу борадаги фикр ва мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни кутиб қоламиз.***

**Taklif**

Ҳар бир соҳада бўлгани каби бугунги кунда таълим соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар кузатилмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши ва таълим соҳасига доир Президентимизнинг Фармонлари бунга мисол бўла олади.

Хусусан, Юртбошимизнинг таълим соҳасида кўрсатаётган ташаббуслари биз ўзбек ёшларини тўлқинлантириб, янги ва янги ташаббуслар билан чиқишга имкон бермоқда.

Мен бугунги кунда таълим соҳасида меҳнат қилаётган ўқитувчи- мураббийларнинг жамиятимиздаги ролини ошириш ва обрў-эътиборларини янада юқорига кўтариш масаласига тўхталмоқчиман. Бугунги куннинг мураббийси кечаги куннинг мураббийсидан тубдан фарқ қилиши керак. Боиси, кечаги таълимга бошқача бир вазифа қўйилган бўлиб, бугунги таълим муаммоси кечагидан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг тараққиёти фидоийлар ва ташаббускорлар қўлида эканлигини ич-ичимиздан сезамиз. Лекин фидоий инсонлар ҳамма соҳада ҳам тўлиб-тошиб ётибди, деб ким айта олади. Жойларда бугун янги ташаббуслардан кўра ҳали-ҳануз юқоридан буйруқ кутиб яшайдиганлар учраши, одамнинг энсасини қотиради.

Бугунги таълимни ривожлантиришнинг бирдан-бир йўли, жойларда рақобат муҳитининг давлат томонидан таъминланишини амалга оширишдир.

(Давоми 2-бетда)




**Суратда: Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг IV якунловчи босқичи ғолиблари.**
**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

**Teran tomirlar**

# ТЕМУРИЙЛАР ҚУРГАН МАДРАСАИ ОЛИЯЛАР

*Забардаст аждодларимиз ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур Мотрудий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларни етиштирган таълим-тарбия тизими, хусусан ўтмишдаги олий таълим муассасалари ҳақида чуқур мулоҳаза юритиш, мавжуд манбалар асосида уларни ўрганиш долзарб вазифадир.*

*Жамиятда таълим-тарбия тизимисиз ривожланиш бўлмаган. Унинг ўзига хос хусусиятлари, муассасалари, таълим-тарбия дастури (таълим босқичларига кўра), ўқув қўлланма ва дарсликлари, ўқиш жараёни қонун-қоидалари, устоз, мударрислар ва улар олдига қўйиладиган талаблар, ўқитиш услубияти, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш каби қатор масалалар қадимда ҳам, ҳозирда ҳам мавжуддир.*

*Маълумки, аждодларимиз яратган "Авесто" ёзуви, хоразмий, туркий, суғдий ва бошқа ёзувларда битилган нодир ёдгорликларнинг айримларигина бизгача сақланиб қолган. Демак, ана шу ёзма ёдгорликлар қадимдаёқ аждодларимиз меҳнати натижаси экани ўз-ўзидан маълум. Аммо қадимий даврлардаги таълим-тарбия тизими ва муассасалари ҳақидаги маълумотлар жуда кам, чунки кўҳна тарихнинг турли хил воқеа-ҳодисалари туфайли бу борада сўз юритган манбалар бизгача сақланмаган. Бизгача сақланган маълумотларнинг кўпчилиги мамлакатимизда ислом тамаддуни (цивилизацияси) тарқалган даврларга тегишли бўлганидан уларда таълим-тарбия тизими ва муассасалари арабча атамалар, яъни мактаб, мадраса, мадрасаи олия, муаллим, мударрис тарзида қайд қилинган.*

*Маълум бўлишича, ўтмиш таълим-тарбия тизими уч босқич ва унинг уч муассасаси — бошланғич мактаб, ўрта махсус, мадрасаи олиядан иборат бўлган. Биз бу мақолада қисман иккинчи ва асосан учинчи босқич муассасалари, уларнинг айрим хусусиятлари ва ворисларидан баҳс юритмоқчимиз.*

*"Мадраса" арабча сўз бўлиб, унинг маъноси арабча луғатларда қуйидагича изоҳланади: мактаб, билим юрти. Таълимнинг биринчи босқичи бошланғич мактаб — "мадрасат ул-ибтидоия", иккинчи босқичи ўрта махсус билим юрти — "мадрасат ул-сонавия" ва учинчи олий ўқув юрти — "мадрасат ун олия" тарзида ишлатилиши қайд қилинади. Шунинг билан бир қаторда таълимнинг иккинчи босқичи — ихтисослаштирилган билим юртлари — "мадрасатун ҳарбия" (ҳарбий билим юрти), "мадрасатун санoъия" (техникавий билим юрти), "мадрасат уд-муаллимин" (педагогика институти) тарзида аталиши ҳам уқтирилган. Туркий ва форсий тиллардаги луғатларда ҳам мадрасанинг изоҳи берилган. Жумладан, "Ғиёс ул-луғот"да мадраса "дарс ўқиш жойи" тарзида изоҳланса, 1871 йилда Л. Будагов томонидан тузилган туркий сўзлар луғатида "мадраса" — гимназия, олий ўқув юрти, масжид қошидаги семинария тарзида изоҳланиб, "мадрасаи улум" — университет деб шарҳланган.*

(Давоми 3-бетда)

# JUMLADA JAHON

**• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби "Ҳозирги Марказий Осиё" махсус китоблар туркумида "Сиёсий раҳбарлар" лойиҳаси доирасида поляк тилига ўгирилиб, Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти "Политейя" жамғармаси ёрдамида "Елипса" нашриётида чоп этилди.**

**• Берлинда профессор Леонид Левитиннинг Кембридж нашриётида чоп этилган "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" номли китобининг расмий ва ишбилармон ҳамда илмий доиралар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ГФРда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслари вакиллари иштирокида тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**• Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.**

**• Югославиянинг собиқ президенти Слабодан Милошевич ҳибсга олингач, ўз мамлакати расмийлари унинг масаласи Халқаро Гаага трибуналида эмас, республика олий судида кўриб чиқилишини, Буюк Британия бош вазири Т.Блэр "бу Югослав ҳукумати учун муҳим қадам бўлди», дея Америка давлати Югославияга юбораётган иқтисодий ёрдамини давом эттиражагини таъкидлашмоқда.**

**• Ироқ нефтини экспорт қилмаслик ҳақидаги резолюцияни бузганлигини важ қилиб АҚШ ҳукумати Сурия давлатининг БМТ Хавфсизлик кенгашида фаолият кўрсатишига қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, ушбу Кенгашдаги Сурия вакиллари келгуси йили араб давлатлари ҳамда Осиё минтақасидаги мамлакатларни қўллаб-қувватлашларини билдиришмоқда.**

*Дунё мамлакатлари нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, айни пайтда маънавий-маърифийлашганлик даражалари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.*

*Орият кучлилик қилиб, энди таълим тизимида барча ўқитувчилар бор кучларини аямай меҳнат қилиш ва ота-оналар олдида, қолаверса, ўқувчилари олдида ўзларининг ким эканликларини кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.*

Ma'rifat

## МАҲАЛЛАЛАРАРО БЕЛЛАШУВ

Пойтахтнинг “Боғи Эрам” маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар “Маҳалла” хайрия жамғармаси, шаҳар “Оила” маркази ҳамда ТШХТББ маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида “Маҳаллада соғлом муҳит, мактабда соғлом авлод” мавзуида шаҳар кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 4 та ҳудудий турда ғолиб чиққанлар — Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб (Беруний маҳалласи), Ҳамза туманидаги 224-мактаб (“Донишманд” маҳалласи), Яккасарой туманидаги 144-мактаб (Муқимий маҳалласи), Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактаб (“Янгиобод” маҳалласи) ўқувчилари “Кўринг, мен ва менинг маҳаллам”, “Оила, маҳалла, мактабда ўқувчилар тарбиясидаги муаммо”, “Она билан бола — гул билан лола”, “Маҳалламиз болалари ва миллий ҳунармандчилик” ҳамда эркин мавзуда “Саҳнада биз севган клип — совға” каби шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Ғоят қизиқарли ўтган беллашувда “Янгиобод” маҳалласи энг ибратли болалар маҳалласи номини олиб, кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Муқимий маҳалласи — энг тадбиркор болалар маҳалласи, “Донишманд” маҳалласи энг зукко болалар маҳалласи, Беруний маҳалласи эса энг иқтидорли болалар маҳалласи номларига эга бўлдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси Аъзамхон Гадойбоев, шаҳар “Оила” маркази директори Гулнора Йўлчиева, маҳаллаларнинг раислари, оқсоқоллар, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари, ибратли оилалар иштирок этдилар.

Кўрик-танлов иштирокчиларига “Болалар” жамғармаси, туманлардаги “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан магнитофон, спортга оид кийим-кечаклар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

## Мустақиллик иншоотлари



## ЯНА БИР МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

**Бугунги кунни бунёдкорликсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки тараққиёт ва янгиланиш бор жойда бирин-кетин осмонўпар бинолар қад ростлайверади. Дарвоқе, юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида ана шундай ҳолат кузатилади. Ўзига хос табиати ва урф-одатига эга бўлган қорақалпоқ гўшаси ҳам бундан мустасно эмас. Кейинги ўн йил ичида барпо этилган бир-биридан кўркам ва тароватли иморатлар Нукуснинг жамолига айланган.**

**Яқинда Кегайли туманида 450 ўринли янги қурилиш касб-ҳунар коллежи ўз ўқувчиларини бағрига олди. Бу қувончли ҳодиса янги кун—Наврўз байрами арафасида кегайлиликлар учун катта тўёна бўлди. Бино “Кегайлидеҳқонқурилиш” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси томонидан бунёд этилди.**

**Суратларда: • Кегайли туманида янги фойдаланишга топширилган қурилиш касб-ҳунар коллежининг олд кўриниши.**

**• Коллеж талабалари бўш вақтдан унумли фойдаланишади.**

**Омонбой МУРОТОВ, (ЎзА) олган суратлар.**



## ОЛАМ ВА ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

### Инсон маънавияти, моддийлик ва маънавийлик тушунчаларининг уйғунлиги хусусида айрим мулоҳазалар

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Хўш, бу ўзгариш, онгдаги, дунёқарашдаги янгиланишларни замондошларимиз, бугунги авлод қандай қабул қилмоқда ва бу уларнинг онг, тафаккурларида қандай янги ғояларни туғдирмоқда? Уларнинг яшаш тарзи ва фаоллиги-чи? Қандай янги талаб ҳамда эҳтиёжлар шаклланмоқда?

Дунё мамлакатлари нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, айни пайтда маънавий-маърифийлашганлик даражалари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан уларни: саноатлашмаган мамлакатлар, саноатлашган ва юқори даражада саноатлашган давлатларга бўлиб ўрганиш анъанаси мавжуд. Шу анъанани ҳисобга олган ҳолда айтиш жоизки, инсонларнинг турмуш тарзига ёт ғоялар асосига қурилган тизимни, урф-одат ва анъаналарни, илм-фанга бўлган муносабатни ҳамда инсон дунёқараши ва тафаккур тарзини ўзгартирмасдан эркин ва фаровон ҳаётга эришиб бўлмайди. Инсон энди дунёқарашини ўзгартирибгина қолмай, алоҳида фаоллик кўрсатиб ўз ҳаётини қуриши, турмушга янгича муносабатда бўлиши зарур. Бозор муносабатлари илгариги тасаввур ва қарашларнинг ўрнига янгича талабларни қўймоқда, бу авлоддан миллий ғоя асосидаги тафаккур, билим, ихтисосликни талаб қилмоқда. Бугун ижтимоий муаммоларга ҳозиржавоб бўлишдек фазилатнинг шаклланиши эскича тафаккур, онг ва қарашлар таъсири билан яшаётган, ҳаётни тушунишга интилмаётган айрим кишиларда анча қийин кечмоқда. Ҳаёт эса ўзгаришда давом этаётир. Айни пайтда дунёдаги ўзгаришлардан огоҳ бўлиш, турмуш тарзи имкониятлари ҳам бу авлодни ҳаётга янгича ёндашувга ундаяпти. Янгича яшаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш туйғуси эса бу авлод олдига, кекса авлодга қараганда, масъулиятлироқ вазифалар қўймоқда. Хусусан, онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар ҳаёт талабидан орқада қолаётганлиги маънавий салоҳиятдаги қусурлар билан боғлиқ. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш кўпроқ ана шу авлод зиммасига тўғри келади. Ёш авлоднинг эса бу жараёнга нисбатан тайёр ҳолда, ўзига хос кўникиш, малака, билим ва тажриба билан кириб келишига имкониятлар мавжуд.

Энг муҳими, бугунги кунда ёшлар ана шу эҳтиёжни англаб етган ҳолда, давр талабларига мос фаолият кўрсатишиб, кўникма ва малакаларни эгаллаши, уни амалий иш билан боғлашлари зарур. Бу борада ёшларда ўзига ишонч кайфияти юқори бўлишига эришиш керак. Биронбир соҳани, касбни яхши эгаллаш, она тили ва хорижий тилларни пухта ўрганиш, мулоқот қила олиш, ҳозирги замон техника ва технологияси ютуқларидан фойдалана билиш кишида ўзига нисбатан ишончни пайдо қилади ва мустаҳкамлаб боради. Ўзига ишончи юқори, мақсади аниқ инсоннинг ҳаётий позицияси ҳам мустаҳкам бўлади. Бундай инсонлар воқеаларга енгил-елпи қарамайдилар. Аксинча, маънавий салоҳиятнинг юқори эмаслиги кишида ўзига ишончсизликни туғдиради, охир-оқибатда билиб-билмасдан айрим ножўя хатти-ҳаракатларга қўл уришга олиб келади, ўтаётган куни билан қаноатланиш, истеъмолчилик кайфиятини пайдо қилади. Қандай йўл билан бўлса ҳам “яхши яшашга” уриниш инсонни маънавий эҳтиёжларни англаш туйғусидан, ўзлигини англаш ва билишдан узоқлаштиради. Бундай одам ҳаётни юзаки тасаввур этади, ундаги маънавий бўшлиқ моддийликка ўчлик, еб-ичиш, нафсга ружу қўйишига сабаб бўлади.

Бугун ўзларини ривожланган мамлакатлар қаторида кўраётган оилалардаги ёлғизлик муҳити, ҳаётдан маънан қониқмаслик ҳолатлари, ахлоқсизлик кўринишлари, маишатга берилиш—жамиятдаги маънавий таназзул ҳолатлари шулар жумласидан. Жамиятнинг тараққиёти қонуни эса мамлакат моддий ва маънавий негизларини доимо ўзаро уйғун ҳолда мустаҳкамлаб боришни тақозо этади. Шарқда юқоридаги каби салбий ҳолатлар ҳеч қачон фазилат санолмагани боиси шундан.

Бугун ҳам инсоният ўз тараққиётида кўпгина муаммоли ҳолларнинг гувоҳи бўлиб қолмоқда. Бир қараганда, дунё ўз тузилиши, жойлашиши, ўзаро муносабатлар тизими нуқтаи назаридан маърифийликка эришгандек кўринади. Аммо дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқилса, бу муаммолар маънавий-маърифий эҳтиёжлар туфайли эмас, моддий, бир ёқлама манфаатларни ўйлашнинг оқибати эканини кўриш мумкин. Дунё халқлари айрим давлатларда бир вақтлар моддий фаровонлик таъминланса, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган ақида мавжуд эди. Инсоният томонидан умумэътироф этилган қадриятлар тизими ва умуминсоний ахлоқ меъёрларидан келиб чиқиб қаралса, бу ақида унчалик тўғри эмаслиги, чинакам бахт моддий фаровонликнинг маънавий негизлар билан уйғунлигига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Зеро, бугун моддий фаровонликка эришган халқлар ҳам маънавий ҳаётда айрим муаммоларга дуч келишмоқда. Уларнинг моддий фаровон ҳаёт тарзининг маънавий қатламларида айрим салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Демак, фақат моддий фаровонлик орқали ҳамма муаммони ҳал этиш мумкин деб ўйлаш бирёқлама қарашдир. Бу моддий ҳаёт тарзининг маънавийликдан узоқлашишга, яъни уйғунлик ҳолатининг бузилишига боғлиқлигини таъкидлаш зарур. Бугун Ғарбдаги айрим кишилар маънавий ҳаётида учраётган баъзи салбий ҳолатлар, масалан, оилага эскилик сарқити сифатида қараш, инсоний қадр-қиммат туйғуларидан йироқ шахсий худбинлик, умуминсоний муаммолардан ўзини холи тутиш, бефарқлик ёки ўзини жамиятга бегоналарча тасаввур этиш, айрим эркин, фаровон ва тинч ҳаётни ягона талаб деб тушунаётган бўлса-да, ўзи яратган тизимнинг таъсирида қолмоқда. Дунёдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий тизим айрим ҳолларда инсонга эмас, аксинча, инсон тизимга хизмат қилишга мажбур бўлаётир. Бу дунё сиёсати, халқаро кучлар, давлатлараро муносабатларда амал қилиб келаётган тафаккур тарзи, ёндашув услубида ўзгараётган янгича талаблар билан манфаатни англаш меъёрлари ўртасидаги номувофиқлик ҳолатидандир. Қолаверса, бу ҳаёт, яшаш фалсафаси билан сиёсат ўртасидаги ўзига хос номувофиқликнинг ҳамон мавжудлигини кўрсатади. Ҳаёт муаммоларига фалсафий ёндашиб, уни ақл доирасида, иймон ва эътиқод билан ҳал этиш ўрнига, ўзларини етакчи деб ҳисоблаётган айрим давлатлар амалиётида кўпроқ сиёсий манфаатлар яққол устунлик қилиб қолмоқда. Ўзаро муносабатларда сиёсий манфаатлардан келиб чиқиш ёки ўзининг мавқеини ўтказишга даъво қилиш кайфиятининг сақланиб қолаётгани мавжуд муаммоларнинг ечимига эмас, ўзаро муносабатларда мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Бугун айрим ривожланган “постиндустриал давлатлар” кўпроқ ўз ҳаёт тарзини тарғиб этишга уринишмоқда. Уларнинг айрим афзалликлари, имкониятлари, хусусан, фаровон турмуш даражаси билан боғлиқ ютуқларини инкор этмаган ҳолда, истеъмолчилик кайфияти устуворлигини, ёшларда бу ҳаёт тарзига бир ёқлама ҳавасни, тақлид қилиш, бойликка интилиш кайфиятини пайдо этаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. “Нима бўлса ҳам пул топиш” ёки “ўтадиган дунёда яшаб қолиш” кайфияти айрим инсонларни фақат бойлик ортидан қувишга, инсоний, миллий-маънавий қадриятлардан узоқлашишга, ёт ғоялар, мафкураларнинг таъсирига тушиб қолиш ҳолларига олиб келаётгани бунга далил бўла олади.

Чинакам ҳаёт эса моддийлик ва маънавият уйғунлиги асосига қурилади. Бу икки устуннинг бири иккинчисидан ажралиб қолса, заифлашиши аниқ. Шу ўринда Аҳмад Яссавийнинг ушбу сатрларидаги фалсафага диққатни қаратиш жоиз деб ўйлаймиз:

***Эй бехабар, ҳаққа кўнгил югуртмадинг,***
***Дунё ҳаром, андин кўнгул совутмадинг,***
***Нафсдан қочиб Оллоҳ сари тўлғонмадинг,***
***Бу нафс учун зору ҳайрон бўлдим мано.***

Бойлик кетидан қувиш, нафснинг қулига айланиш инсон тақдирини хунук оқибатларга олиб келади ва бу бутун жамият ҳаётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Албатта, бу билан биз бойликка салбий маъно бермоқчи эмасмиз. Аммо ҳаётда фақат бойликка эришаман деб, бўлган-бўлмаган ноқонуний, инсоний хулқ-атвор, иймон ва эътиқод меъёрларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлардан инсон ўзини тийmoғи лозимлигини таъкидламоқчимиз, холос. Инсон шунга амал қилиб яшаши лозим. Ҳазрат Алишер Навоийнинг: **то нафсу ҳаво қасри йиқитилмагунча “Эл шод ўлмас, мамлакат обод бўлмас”**, деган фикрининг қанчалик муҳим эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Бир нарса аниқки, меъёрни билиш, сақлаш ва ҳаётда унга амал қилиш ўз самарасини беради. Инсон маънавияти, унинг борлиғидаги икки жиҳат—тана (вужуд) ва руҳ (маънавият) уйғунлиги фалсафасининг маъно-моҳияти шунда мужассамдир. Инсон ўз борлиғини англашга интилиб яшаши ва унга мос тарзда ўз салоҳиятини эл-юрт фаровонлиги, тинчлик ва осойишталик, мамлакат равнақи учун сафарбар этиши миллий истиқлол ғояларига ҳамнафас бўлиб, олам ва инсон мавжудлигининг кафолатидир.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

## РАҚОБАТ МУҲИТИ ЯРАТИЛСА

### ёхуд ўз рамзи ва унвонларини акс эттирувчи белгиларга эга ўқитувчилар кийимини жорий этиш мумкинми?

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Биз биламизки, солиқ, ўт ўчирувчи, тиббиёт, милиция, прокуратура ва бошқа давлат ходимларининг ўз рамзий кийимлари ва унвонларининг белгилари мавжуддир. Бунда, генералликни орзу қилмаган аскар — аскар эмас, деган нақл соф ҳолда рақобат муҳитини яратади. Рақобат тушунчаси ўзбекчасига тушунтирилганда, кўпчиликнинг ичида самарали ва соф меҳнат қилиш кераклигини англатади. Хўш, таълим соҳасида бу борада аҳвол қандай?

Бугунги таълим тизимида рақобат тушунчаси тор маънода тушунилиб, кўп ҳолларда ўқитувчиларнинг дарсга талашишидан нарига ўтмайди. Рақобат бўлиши мумкин, у фақат мактаблар ўртасида ёки шаҳар ва туман ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичларини қиёсий солиштиришда кўринади, холос. Бу қисман эртанги кундаги ишларни амалга оширишга туртки бериши мумкиндир. Лекин ўқитувчидаги йиллар давомида қилган ишлари натижасини талабаларнинг синов дафтарига ўхшаш аттестация дафтарига қайд этиб белгилатиб борса, аттестация даврида ҳайъат аъзолари уни кўриб чиқиб, янги тоифа бериш ёки тоифани олиб ташлаш масаласини ҳал этса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Аттестация якунида ўқитувчига аттестация ҳайъати махсус мартабасини кўрсатувчи кўкрак (погон ёки ёқага тикиладиган белгилар) нишон топширса.

Ҳар бир мактабнинг низоми мавжуд. Бу низом “Ўқитувчи нишонини тақмасдан мактабга келиш меҳнат интизомини бузиш билан баробар“ деган сўзлар билан бойитилса.

Ўқитувчилар дарсларга келганда ўқувчилар уларнинг нишонларига қараб мартабаларини аниқлаб олсалар. Шунда ўқитувчилар ўзаро рақобат муҳитига тушиб қоладилар. “Ўзи ёш бўлса ҳам мартабаси баланд экан, мен-чи, ёшим катта бўлиб бирор бир кўзга кўринадиган иш қила олмабман“ деган фикр туғилади. Орият кучлилик қилиб, энди таълим тизимида барча ўқитувчилар бор кучларини аямай меҳнат қилиш ва ота-оналар олдида, қолаверса, ўқувчилари олдида ўзларининг ким эканликларини кўрсатиш имконияти пайдо бўлади. Ота-оналар ҳам ўз фарзандини қайси ўқитувчига бериш ёки бермаслик керак деган саволга жавоб топишда қийналмайдилар.

Менинг бу таклифим таълим ходимларига маъқул тушса, бу масалалар билан шуғулланувчи муассасалар таклифимни амалга оширишига имкон берар, деган умиддаман.

ишларни тезкорликда ишлаб чиқариш эҳтиёжини ҳосил қилмайди.

Бугунги кунда менинг фикримча, ўқитувчининг ҳам бошқа давлат ходимлари каби ўз рамзига ва унвонларини акс эттирувчи белгиларига эга кийими мавжуд бўлиши керак.

Ўқитувчи меҳнатни яхши қилсаю, унинг қадр-қиммати тор доирада акс этса, яъни унинг унвони ва тоифаси ҳисобчилар тарификациясида қайд этилиб, бошқалар эътиборидан нарида бўлса. Шунинг ўзи кучли рақобат муҳитини бўғиш учун кифоя.

Айни пайтда мактаблар ва ўқитувчилар ҳар 3 йилда Давлат аттестациясидан ўтказилар экан, шу 3 йил давомида ўқитувчи нима ишларни қилганлиги ва қилиши кераклиги аниқланса. Ўқитувчи шу

**Рустам МУРОДОВ,**
**Жиззах шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси**

## СУМАЛАК ТОРТИЛГАН ДАСТУРХОН АТРОФИДА

Учқўрғон туманидаги “Гулноз” номли 6-болалар боғчаси баҳорнинг бетакрор байрамларини ўзига хос тарзда нишонлаб келади. Яқинда ушбу масканда ўтказилган Наврўз тантаналари нафақат болажонлар, балки тадбирда иштирок этган ота-оналар, маҳалла фаоллари ва меҳмонлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса ажабмас.

Жонкуяр тарбиячилар томонидан тайёрланган ижодий сценарий асосида боғча тарбияланувчилари саҳнага олиб чиққан куй-қўшиқлар, томошалар нафосат, гўзаллик, яшариш ва меҳр каби туйғулар билан суғорилган эди. Баҳор борлиғини ўзида мужассам этган таом—Сумалак тортилган дастурхон атрофида ўтириб ўзининг уйдаги эркатой боласини боғчанинг моҳир ижрочиси, истеъдодли тарбияланувчиси сифатида кашф этган ота-оналар ҳаяжонларини яшира олмади. Гуруҳлардаги қизалоқлар ўртасида тўртта шарт бўйича ўтказилган танлов “Гулноз”нинг энг зукко тарбияланувчисини аниқлаб берди. Танловнинг яна бир ўзига хос жиҳати шу бўлдики, болалар боғчаси бугунги кунда чин маънодаги таълим муассасасига айланишга улгурди.

Шу куни мазкур мактабгача таълим муассасасида узоқ йиллар ишлаб, ўзининг 50 ёшини қаршилаётган Муҳаббат опа Эргашеванинг юбилейи ҳам нишонланди. Бутун маҳалланинг тарбиячисига айланиб қолган Муҳаббат опанинг тажрибаси муассаса учун ибрат, шогирдлари унинг ишларини давомчиси бўлиб қолиши тадбирда алоҳида таъкидланди. Байрам кунлари болаларга тўкин дастурхон ёзиб, мурувват кўрсатган ҳомий Марҳабо опа Мўминовадан барча миннатдор бўлди.

**Салтанатхон АБДУРАҲМОНОВА**

## ТАРАДДУД

Айни пайтда Бахмал тумани халқ таълими ходимлари таълимдаги барча кўрсаткичлар рейтинги бўйича Жиззах вилоятида биринчи ўринни эгаллаб туришибди. Дарвоқе, туман маорифчилари ушбу пешқадамликни беш йилдан буён ўзларида сақлаб келаётганликларини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Яқинда ушбу илғор туман ўқитувчилари Республика ўқитувчилар съезди олдидан анжуман ўтказишди. Анжуманда нутқ сўзлаган туман халқ таълими бўлими мудири Саидаҳмад Мирзабеков Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи якунлари ва галдаги вазифалар хусусида нутқ сўзлади. Тадбирда иштирок этган туман ҳокими Муса Анорбоев мактаб иши барчанинг вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган йиғилишда туманнинг 49 нафар илғор ўқитувчиси вилоят ўқитувчилар конференциясига делегат этиб сайланди.

**И.БЎРИБОЕВ**

## КУН ТАРТИБИДА ТАЪЛИМ

***Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат мажлисида таълим муассасаларида аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш бўйича таълим жараёнини такомиллаштириш ҳамда Сирдарё вилояти мисолида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.***

### Инсон хавфсизлиги асосларини ўрганиш ҳамма учун зарур

*Маълумки, Халқ таълими вазирлигининг буйруғига биноан 1999-2000 ўқув йили иккинчи ярим йиллигидан бошлаб жисмоний тарбия дастурига 1-4-синфларда 6 соатдан, 5-7 синфларда 8 соатдан ҳамда биология дастурига 8-9 синфларда 8 соатдан “Инсон хавфсизлиги асослари” ўқув курси киритилган эди. Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейларида эса ҳафтасига бир соатдан “Инсон хавфсизлиги асослари” ўқув фани жорий этилган эди.*

*Умумий ўрта таълим муассасаларида “Инсон хавфсизлиги асослари”ни ўқитишдан мақсад, уларга ҳаёт хавфсизлиги бўйича назарий билим бериш ва шу асосда олинган кўникма, малакаларга таяниб, фавқулодда вазиятларда тез ва аниқ ҳаракатлар қилиш орқали бундай вазиятлардан чиқиб кетишни ўргатишдан, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича белгиланган минимум талабларни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилишига эришишдан иборат.*

*Умумий ўрта таълим мактабларида жорий этилган “Инсон хавфсизлиги асослари” ўқув курсини ўқитиш, мазкур курсдан таълим берувчи педагог кадрларни тайёрлаш масалалари қандай аҳволда?*

*Кун тартибига қўйилган ушбу масала Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликдаги ҳайъат мажлисида атрофлича кўриб чиқилди.*

*Халқ таълими, Фавқулодда вазиятлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан ўзаро ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимум талаблари”-,”Инсон хавфсизлиги асослари” ўқув дастўри ва қўлланмаси, “Таълим тизимида Фуқаро муҳофазаси институтида халқ таълими бошқаруви органларида ишлаётган 30 нафар раҳбар ходим ўз малакаларини оширдилар. Барча таълим муассасаларида апрел-май ойларида “Инсон хавфсизлиги асослари” курсини тугатганликлари муносабати билан “Фуқаро муҳофазаси куни” ўтказилди.*

*Жойлардаги педагог ходимлар малакасини ошириш институтларида ва Фавқулодда вазиятлар бошқармалари қошидаги раҳбар ходимлар таркибини тайёрлаш марказларида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсини олиб борувчи кимё, биология ва бошланғич синф ўқитувчилари билан амалий машғулотлар олиб борилмоқда.*

*Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишда Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятлари халқ таълими бошқармалари, Тошкент вилояти ва Қўқон Давлат педагогика институтларида олиб борилаётган ишлар бирмунча талаб даражасидадир.*

*Шу билан биргаликда, бир қатор вилоятларда, таълим муассасаларида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш бўйича малакали мутахассислар, шахсий анжомлар билан етарли даражада таъминланмаган. Оқибатда машғулотларни самарали ташкил этиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.*

*Тошкент шаҳридаги Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли 156-, 198- умумий ўрта таълим мактабларида “Инсон хавфсизлиги асослари” курси эски дастур асосида олиб борилмоқда. Ушбу мактабларда тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар даврида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаси 1992 йилдан буён қайта кўриб чиқилмаган. Мактаб раҳбарияти фуқаро муҳофазаси бўйича ҳужжатларни тўлиқ ўзлаштирмаган. 198-мактабда “Инсон хавфсизлиги асослари” курси умуман ўқитилмаган.*

*Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказий аппаратида, бир қатор вилоятлар бошқармалари, Давлат педагогика институтларида, фуқаро муҳофазаси бўйича 2000-2001 ўқув йилига мўлжалланган асосий тадбирлар режаси мавжуд бўлса-да, улар 2001 йил учун қайта ишлаб чиқилмаган ва амалий машғулотлар ўтилмаган. Оммавий ахборот воситаларида фуқаро муҳофазаси бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаган. Нукус шаҳри ҳамда Беруний ва Хўжайли туманларида ҳам бу борада камчиликларга йўл қўйилган.*

*Халқ таълими ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг қўшма ҳайъат мажлиси юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, “Инсон хавфсизлиги асослари” курси ўқитилишини такомиллаштириш, фуқаро муҳофазаси бўйича белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилган зарурий қарорлар қабул қилди.*

*Қўшма мажлис қарорида Навоий вилоятида, Нукус, Навоий Давлат педагогика институтларида, Тошкент шаҳар Ҳамза туманида ўқувчи ва талабаларни Фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш асослари ва ҳаракат қилишга ўқитишни ташкил этиш борасида олиб бораётган ишлари қониқарсиз деб топилди ва масъул раҳбарлар қатъий огоҳлантирилди.*

*Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаларига бир ой муддат ичида мазкур қарорда қайд этилган камчилик ва нуқсонлар вилоят, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаларида олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирокидаги кенгайтирилган ҳайъат мажлисида муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш, уч ой муддат ичида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсини ўқитишни замон талабига жавоб берадиган ҳолда жорий этиш, амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш, ўқув хоналарини сўнгги талаблар асосида қайта жиҳозлаш; жойлардаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтларида Фавқулодда вазиятлар бошқармалари қошидаги раҳбар ходимлар таркибини тайёрлаш марказлари билан ҳамкорликда “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсини олиб борувчи кимё, биология ва бошланғич синф ўқитувчиларининг малакаларини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш вазифалари топширилди.*

*Давлат педагогика институти ректорларига тасдиқланган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимум талаблари ва ўқув дастурлари асосида режадаги ўқув машғулотларини юқори савияда амалга оширишни таъминлаш, ўқув-моддий базасини янада такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш топширилди.*

*Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Баҳодир Қосимов сўзга чиқди.*

### Узлуксиз таълим — долзарб мавзу

*Ҳайъат мажлиси кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича муҳокама чоғида Сирдарё вилояти таълим муассасаларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида маълум даражада ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, “Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари”, “Учинчи мингйиллик боласи” таянч дастури асосида мактабгача таълим тизимида ибратли ишлар олиб борилмоқда.*

*Мактабгача ва умумий ўрта таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида вилоятдаги жами 32641 нафар 6-7 ёшли болалардан 4949 нафари боғчалар қошидаги тайёрлов гуруҳларида, 7346 нафари мактаблар қошида очилган шанба-якшанбалик гуруҳларида, 4039 нафари маҳаллалар қошида очилган мактабга тайёрлаш марказларида, 16307 нафари эса бевосита боғчаларда, боғча-мактаб мажмуаларида мактабга тайёрланмоқда.*

*Ҳозирги пайтда вилоятда 8та боғча-мактаб мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Улардан Гулистон шаҳридаги “Қувонч” боғча-мактаб мажмуасида болаларни мактабга тайёрлашда энг юқори самарадорликка эришилмоқда. Бундай мажмуа ўқувчиларининг таълим натижалари сифат кўрсаткичлари оддий мактаблардагидан 25-35 фоизга ортиқ бўлмоқда. Вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан, қўшимча равишда яна 12 та боғча-мактаб мажмуасини ташкил этиш кўзда тутилган.*

*Вилоят таълим муассасаларида бир неча йилдан буён янги педагогик технология-*

# ТЕМУРИЙЛАР ҚУРГАН МАДРАСАИ ОЛИЯЛАР

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

*Келтирилган шарҳлардан шу нарса ойдинлашадики, мадраса таълим муассасаси сифатида бир неча вазифаларни бажаради. Умуман, дарс айтадиган ёки эшитадиган жой. Бу вақтда у бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим масканлари сифатида тушунилади. Бу мазмун араб ўлкаларида кўпроқ тарқалган.*

*Араблар ўрта махсус таълим масканини мактабдан фарқлаш учун "мадрасат ул-сонавия" — иккинчи босқич мадрасаси, яъни ўрта махсус билим юрти маъносида ишлатилган. Бундай мадрасалар Ўрта Осиё , жумладан Самарқандда кўпроқ эди.*

*Олий таълим даргоҳи ўрта махсус билим юртлари (мадраса)дан фарқли ўлароқ, таълимнинг олий босқич даргоҳи "мадрасаи олия" ёки "мадрасаи улум" деб аталган. Улар ҳозирги университет мақомида бўлганидан Л. Будагов луғатида ҳам "мадрасаи улум — университет" тарзида изоҳланган.*

*Демак, ўтмиш таълим тизимидаги учинчи босқич — олий таълим муассасаси "мадрасаи олия" деб аталганки, улар ўз замонининг университетлари мақомида бўлганлар. Шуни эслатиш жоизки, мадрасаи олиялар илмий жиҳатдан ниҳоят юксак даражаларга эришган аллома ва аълам ул-уламолар тўпланган ҳамда уларнинг фаолияти учун тегишли шароитлар яратилган шаҳарларда бўлганлар. Манбаларда бундай мадрасаи олияларнинг Бағдодда, Ўрта Осиёда эса Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларда фаолият кўрсатганлари эслатилади. Уларда ислом таълимоти ривожланган ҳудудлардаги турли вилоят ва минтақалардан энг иқтидорли талабалар таҳсил олганлар. Шу жиҳатдан Самарқанддаги мадрасаи олиялар тарихига бир назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.*

*Манбаларда қайд қилинишича, IX-X асрларда Самарқандда ўн еттита мадраса бўлган (ҳозирда улар сақланмаган, номлари ҳам маълум эмас). Бу мадрасалар орасида мадрасаи олиялари ҳам бўлганки, уларда фақат Мовароуннаҳрдангина эмас, балки араб мамлакатларидан келган толиби илмлар ҳам таҳсил олганлар.*

*Соҳибқирон Амир Темур Самарқандни пойтахт сифатида танлагандан сўнг унинг ҳар жиҳатдан мукаммал ва намунали бўлишига алоҳида диққатни қаратдилар. Бу ҳол таълим тизими муассасаларидан бўлмиш мадраса ва мадрасаи олияларни қуриш, уларни етук аллома, мударрислар билан таъминлаш ишида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу даврда Амир Темурнинг амирларидан Идигу Темур, Шоҳмалик, Фирузшоҳлар, Малика Сароймулкхоним — Бибихоним ва набиралари Муҳаммад Султонлар томонидан қатор мадрасалар, жумладан, мадрасаи олиялар қурилди (ҳозирда булар сақланмаган). Бу мадрасаи олияларда Саъдиддин Маъсуд Тафтазоний, Сайййд Шариф Журжоний, Салоҳиддин Мусо Қозизодаи Румий каби машҳур алломалар фаолият кўрсатишган. Соҳибқирон Амир Темур бошлаган бу фаолиятни набиралари Мирзо Улуғбек кенг кўламда ривожлантириб, жаҳонга машҳур илмий кашфиётларни майдонга келтирган мадрасаи олия ва расадхона мажмуасини бунёд этди. Самарқандда қурилган мажмуа ўз кўлами ва мадрасаи олиялиги билан Бухоро ва Ғиждувонда қурдирган мадрасаларидан ажралиб туради.*

*Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаи олия мажмуаси кейинчалик қурдирилган расадхона билан узвий боғланган бўлиб, улар таълим тизими ва илмий тадқиқотларнинг ўзаро чамбарчас алоқадорлигини назарда тутади. Ана шу жиҳатдан мадрасаи олияда ўз даврининг энг забардаст алломалари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Муҳаммад Ҳофий ва бошқалар жалб этилганлар. Мадрасаи олиянинг ўқув дастурида ҳам нақлий ва ҳам ақлий фанлар мавжуд бўлиб, ақлий фанлардан ҳандаса, риёзиётларга катта ўрин ажратилган. Расадхонада амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари фақат ўқув жараёнидагина фойдаланиб қолинмасдан, балки ўша даврдаги қурилишларда ҳам жорий қилинган. Жумладан, мадрасаи олия жанубида қурилган масжиди муқаттаънинг қибласини белгилашда расадхонада олиб борилган ишларнинг натижаларидан фойдаланилган. Бундан ташқари етти иқлим харитаси ҳам аниқланиб, мадрасаи олия деворида чизиб қўйилган. Бундай ҳолат Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган мадрасаи олиясининг бетакрор ва нодир эканини исботлайди.*

*Шунинг билан бирга мадрасаи олияда талабаларни қабул қилиш, мударрисларни тайинлаш учун уларни синовдан ўтказиш ишларига Қозизода Румий бошчилигидаги олимлар ҳайъати ва илмий кенгаш мавжуд бўлган. Бундай йиғинларга Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам қатнашган. Талаба, мударрис ва мадраса ходимлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилган. Мадрасаи олияни хатм қилган — битирганларга дарс айтиш учун ижозатнома — дипломлар берилган. Ана шундай ижозатномаларнинг бирига Қозизода Румий қўл қўйган ва у ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Унинг ўзбек тилига ўгирилган матни академик Бўрибой Аҳмедов томонидан "Улуғбек" эсселарида ҳикоя қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясини битирганлик ҳақидаги ҳужжат — ижозатнома — диплом фақат Мовароуннаҳр ҳудудларидагина эмас, балки Хуросон ва бошқа жойларда ҳам эътироф этилган. Бу эса Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг ўша давр Шарқида тутган буюк мақоми, обрў ва эътиборидан гувоҳлик беради.*

*Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олияси кейинчалик замон ва даврлар тақозоси билан бир маромда бўлмаса-да, XX аср бошларигача ўз фаолиятини давом эттирди. Шундан сўнг Самарқандда аввал педакадемия майдонга келиб, кейинчалик у университетга айлантирилди ва ҳозирда Алишер Навоий номидаги Самар-қанд Давлат университети деб аталади. Ғарб мамлакатларидаги университетлар қадимий семинариялар асосида шаклланганлиги ҳам бизга маълум. Мадрасаларни университет тарзида тушуниш ҳақида 1966 йилда айтилган фикрлар шўролар мафкурасига мувофиқ келмаганлиги боис эътиборсиз қолдирилган эди. Республикамиз мустақилликка эришган бир вақтда масалага холисона ёндашмоқ керак.*

*Самарқанд Давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг таъсис этилиш тарихига (1420 мелодий йил) бориб тақалади. Бу гап барча шаҳарларда (Бухоро, Хива, Тошканд) аввалда мавжуд бўлган мадрасаи олиялар ва уларнинг ворислари бўлмиш университетларга ҳам тааллуқлидир.*

*Олий таълим муассасалари тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ёритиш орқали тарихий ҳақиқатни тиклаш мустақиллик даврининг улуғ неъматларидан биридир.*

**Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ,**
**академик**

# YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

## 3-дарс

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганишга бағишланган дарсларимизни унли товушлар ва уларни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш қоидалари билан бошлаганимиз бежиз эмас, албатта. Чунки унлиларнинг миқдори ҳамда қўлланиш ўрни нафақат имло саводхонлиги учун, шунингдек, талаффуз, бўғин кўчириш, урғу, ифодали нутқ каби сўзлашиш маданиятининг муҳим унсурларига амал қилишда ҳам асосий мезон саналади. Шунга кўра, ҳарфларнинг ёзилиш амалидан кўра ҳарф ифодалаган товуш, унинг айтилиши, қўлланиш хусусияти, янги имло қоидасида берилишига оид шарҳларни баён этиш нисбатан фойдалироқ бўлади, деган умиддамиз.

Ушбу дарсда i ва u ҳарфларини, уларнинг имлосига оид хусусиятларни ўрганамиз.

1. Кирилл ёзувидаги и ҳарфи янги ўзбек алифбосида i шаклида берилган. Бу босма шаклнинг катта ҳарфида таёқча бошидаги нуқта қўйилмайди ва I, яъни тик чизиқ кўринишида бўлади. Ёзма шакли эса остки қисмида туташтирувчи чизиқча қўйилиши билан I , i шаклида ҳосил қилинади.

i ҳарфи тилнинг олд қисмида, юқорироқда, яъни тил билан танглай орасидаги тор бўшлиқда ҳосил бўладиган товушни ифодалагани учун ҳам қисқа айтилади. Шунинг учун нима — nima, бил — bil, билан — bilan, тиш — tish каби сўзларда i ҳарфининг талаффузи сезиларсиз бўлади.

Араб-форс ва рус тили орқали ўзлашган бир бўғинли сўзларда i унлиси талаффуз этилса ҳам ёзилмайди: aql, jahl, nasr, boks, metr каби сўзлар шулар жумласидандир.

Лотин ёзувига асосланган айрим миллий алифболарда қаттиқ I (нуқтасиз) ва юмшоқ i (нуқтали) имлода фарқланади. Янги ўзбек алифбосида бундай ҳолатга дуч келинмайди. Чунки i унлиси қ, ғ, ҳ каби миллий тилимизга хос товушлардан сўнг келганда ёки рус тили орқали кириб келган рычаг, былина, музыка сўзларида қаттиқроқ айтилса ҳам доимо i тарзида ёзилади.

Биринчи бўғинида ў = o' унлиси келган сўзларнинг кейинги бўғинида, гарчи талаффузида у = u товушига мойиллик сезилиб турсада, ҳамиша i ҳарфи ёзилишини унутмаслик лозим. Масалан: o'rin, bo'g'in, so'lim, o'yin, to'kin каби.

Маълумки, унли билан тугайдиган аъзо, обрў, мавқе, мавзу каби сўзларга ҳар учала шахс - сонда эгалик қўшимчалари қўшилганда кирилл алифбосида бир и қўшиб айтилар ва ёзилар эди. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси жорий этилиши ва янги имло қоидалари туфайли юқоридаги ҳолатларда талаффуз ва имло ўртасида юзага чиқадиган тафовут, чалкашликларга чек қўйилди, яъни сўзлар ва уларга қўшиладиган қўшимчаларнинг айтилишига асосланиб ёзилиши қоидага киритилди. Эсда тутинг: avzoying, obro'yim, parvoyingiz, mavqeyimiz, mavqeyi .

i унлисидан олдин бир у орттирилиб, yi шаклида ёзилиши биринчи сўзи унли билан тугаган изофали бирикмаларда ҳам амал қилади.

Қиёсланг: таржимаи ҳол — tarjimayi hol, нуқтаи назар — nuqtayi nazar, ойнаижаҳон — oynayi jahon.

Кирилл ёзувидаги У(у) ҳарфи лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида U(u) шаклида берилган, яъни кириллицадаги И(и) билан шакли бир хил, ёзма шакли ҳам ўшандай сақланган [И,и].

Асосан, тилнинг орқа қисмида ҳосил бўлиши, лаблар иштирокида талаффуз қилиниши билан **i** унлисидан фарқлангани учун айтилиши ва ёзилишида **i** товушига оғиш ҳоллари мавжуд. Шунинг учун имлода **и** ва **i** ҳарфларини чалкаштириб ёзиш кўп учрайди. Ёзувда бундай хатога йўл қўймаслик учун қуйидаги ҳолатларда доимо **u** ёзилишини эслаб қолишингизни тавсия этамиз:

* Биринчи бўғинида **u** унли бўлган сўзларнинг иккинчи бўғинида ҳам **u** ёзилади. Масалан: бутун — butun, дуруст — durust, чучук — chuchuk, ҳукумат — hukumat каби.

* Олдинги бўғинида **a, o** унлиларидан бири келиб, кейинги ёпиқ бўғини **v** ундоши билан бошланадиган сўзларда **u** ёзилади. Масалан: тарвуз — tarvuz, товуш — tovush, қовун — qovun, чирмовиқ — chirmoviq каби.

* Сўнгги очиқ бўғини **u** унлиси билан тугаган сўзларга III шахс эгалик қўшимчаси - **yi** (i) тарзида эмас, балки - si шаклида қўшилади: **мавзуи (мавзуси) — mavzusi, орзуи (орзуси) - orzusi** каби.

* i унлиси билан тугаган феъллардан **- v, - q** қўшимчаларини қўшиш орқали янги сўз ясалганда **i** унлиси **и** га ўтади ва шундай ёзилади: **to'qi — to'quvchi, o'qi - o'quvchi, qari - qaruvchi** каби.

* Тақлид сўзлардан - illa қўшимчаси орқали феъл ясалганда икки ҳолатни кузатамиз.

а) shov, lov, gur сўзларида, яъни таркибида u унлиси бўлган сўзларда ёки **v** ундошидан кейин бу қўшимча - **ulla** шаклида ёзилиши керак: **shovulla, lovulla, gurulla** каби.

в) Ёпиқ бўғинида **a, o, i** унлиси бўлган сўзларда эса - **illa** қўшимчаси аслига кўра ёзилади: **vaqilla, vizilla, chirilla** каби.

**1-топшириқ.** Фақат **i** ва **u** унлилари билан фарқланадиган бир бўғинли сўзларни топиб, лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида ёзинг.

**Намуна:** bir - bir, tish-tush...

**2-топшириқ.** Таркибида камида иккита u унлиси ёзиладиган 10 та сўзни топиб, лотин ёзувига асосланган алифбода ёзинг.

**3-топшириқ.** **i** ва **u** унлилари таъсирида қўшимчалари таркибида ўзгаришлар юз берадиган сўзларни эски ва янги алифбода қиёслаб ёзинг. **Намуна:** авзоинг - avzoying...

**А.РАФИЕВ**

# «СИЗНИНГ ҚЎЛИНГИЗДАГИ ТЎҒНОҒИЧ БИГИЗ БЎЛИБ МЕШНИ ТЕШМОҚДА»

## ЁХУД ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ БУРЧЛАРИ

Musohaba

Аслида ота-онанинг фарзанд олдидаги бурч ва мажбуриятларини айтиб, санаб ўтиришнинг ўзи қандайдир эриш туюлади. Чунки ҳар қандай она фарзанд туғилгач, чин қалбдан, оналик меҳри билан уни ўстириб, катта қилади. Вақтида болакайнинг қорнини тўйдиради, вақтида тоза, озода кийимлар кийгизади. Ҳар бир ота-она ўғил-қизи учун яшайди. Инсонийлик нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ўзбек миллатини азал-азалдан болажон халқ дея барча эътироф этиб келган.

Лекин... Афсуски бугунги кунда баъзи ота-оналар ўз бурчларини, вазифаларини унутиб қўйишмоқда. Улар болага керагича пул, ўйинчоқ, кийим-бош олиб беришлари мумкин, аммо энг муҳим бўлган нарсага, болага тўғри тарбия беришга бефарқ қарашмоқда. Бефарқлик натижасида эса болалар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик, жиноят кўчасига кириб қолиш, уйдан мунтазам кетиб қолиш ҳоллари юзага келмоқда.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни тарбиялаш, илмли, маърифатли инсонлар қилиб ўстириш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Яъни уларнинг ҳар томонлама билимли, етук бўлишлари учун давлат томонидан етарлича шароитлар яратиб берилган. Бу бежиз эмас, албатта.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда республикамиз аҳолисининг 65 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар орасида ўқимишли, доно фарзандлар билан бирга тарбияси оғир, ота-онасидан яхши муомала, меҳр кўрмаган ва атроф-муҳитнинг салбий таъсирига тушиб қолган йигит-қизлар ҳам бор. Ёш авлодни келажакда комил инсонлар қилиб ўстириш ёхуд ҳозирги ёшларнинг тарбиясидаги қувонарли ҳолатлар ва мавжуд камчиликлар, муаммолар хусусида Хўжа Аҳрор Вали Жомий масжиди ноиб имоми ҳамда "Кўкалдош" мадрасаси мударриси Зуфар Шосалимов билан суҳбатда бўлдик.

**— Ёшларнинг тарбиясига масъул бўлган шахслар биринчи навбатда ота-она ҳисобланади. Шундай экан, домла сифатида айтинг-чи, ёшларни тарбиялаш учун, энг аввало, нималарга жиддий эътибор бериш лозим?**

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Фарзандни ўстириш, улғайтириш, унга таълим-тарбия бериш ота-онанинг энг асосий бурчи эканлиги барчамизга маълум. Буни диний томондан олиб қарайдиган бўлсак, фарзандни тарбиялаш исломда муҳим ўрин тутади. Шу ўринда бир мисолни келтирмоқчиман. Ҳазрати Умар (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин!) даврларида бир киши ўз ўғлидан калтак еганлиги ҳақида шикоят қилиб келади ва шикоятчи ота ўғлини оқ қилганлигини айтади. Шунда ҳазрати Умар ўғилни чақиртириб, ундан отасини нима учун урганлигини сўрайди. Фарзанд бунга жавобан отаси шу вақтлар мобайнида унга бирор-бир исломий таълим-тарбия, дунёвий билим олишга шароит яратмаганлигини, тўғри тарбия бермаганлигини, оқибатда йигит улғайиб, катта бўлгач жуда кўп муаммоларга дуч келаётганлигини афсус билан айтади. Бўлган воқеадан тезда хулоса чиқарган ҳазрат нодон отага қараб: сен ўғлингни эмас, у сени оқ қилишга яроқлидир, деб койийдилар. Шунга кўра, қайсики, ота-она боласига ҳам исломий, ҳам дунёвий таълим-тарбия бермас экан, улар ўз фарзандлари олдидаги оталик ёки оналик ҳақларини адо қилмаган ҳисобланишади. Ҳаммамиз яхши биламизки, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари жуда кўп. Шу билан бирга ота-она ҳам баъзи масалаларда фарзанд олдида бурчдор ҳисобланадилар. Бу бурчларнинг энг аввали, болага яхши исм қўйишдир. Бу ўтмишдан қолган анъана, одат ҳисобланади.

Фарзанд туғилгач, ҳар бир ўзбек хонадонида катта шодиёна бўлади. Чунки фарзанд насл давомчиси, ота-она бахти ва қувончи. Таваллуд топган боланинг қулоғига азон айтилади. Унга тўғри тарбия бериш, билим олишига шароит яратиш, меҳнатга ўргатиш, каттага ҳурмат, кичикка иззат руҳида ўстириш ҳам ота-онанинг ўз жигаргўшаси олдидаги вазифаларидандир.

**— Ҳозирги ёшларнинг таълим-тарбиясида сезилаётган асосий ва жиддий камчиликлар нимада, деб ўйлайсиз?**

— Аввало, оилалар орасида урф-одат ва қадриятларга нисбатан бефарқликнинг илдиз отиб бораётганлигидир. Буни бежиз айтаётганим йўқ. Ҳозирда буюк ўтмишимиздан ҳамда ота-боболаримизнинг урф-одатларидан воз кечиш ҳоллари учрамоқда. Миллатимизга бегона бўлган Европа тарбиясига тақлид қилаётган ёшларнинг кундан-кун кўпайиб бораётганлиги кишини ажаблантиради. Буни афсуски, барчамиз кўриб, билиб турибмиз ҳам. Мен бу билан бошқа халқ ва миллатларни камситмоқчи эмасман. Ҳар бир минтақанинг ўзига яраша об-ҳавоси бўлгани каби ҳар бир халқ ва элатнинг ҳам ўзига яраша урф-одатлари, анъаналари мавжуддир. Ўз анъаналаримизга ҳар доим эга бўлиш, келажак авлодга буюк мерос сифатида етказиш, яъни шундай тарихий қадриятларнинг бардавом бўлишига ҳар биримиз ҳисса қўшмоғимиз даркор.

**— Одамлар орасидаги баъзи суҳбатларда ҳозирги ёшлар билан аввалги ёшлар ўртасида жуда катта фарқ бор, яъни замон тезлик билан ўзгариши натижасида кўпчилик ёшларнинг тарбияси ҳам бузилиб кетмоқда, дейишади. Сиз мударрис, домла сифатида буни қандай изоҳлайсиз?**

— Ҳар замон ва маконда доимо тўғри ҳамда нотўғри фикрлайдиган тоифалар бўлади. Бунда айниқса, ота-оналар чалғиб қолмасликлари керак. Қачонки ёшларнинг ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаса, улар ноҳақ томонга эргашади. Ноҳақлик эса ҳар доим енгил ва осон бўлиб, уни тезда тугайдиган "мулк" дейишимиз мумкин. Ҳақиқатга, ростгўйликка эришиш учун кишидан гоҳида ўз молини, ҳатто жонини ҳам фидо қилишлик талаб этилади. Демак, бундан кўриниб турибдики, фарзанд тарбия топган сари унинг келгусида қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ унинг ўзига боғлиқдир. Инсонда хоҳ иқтисодий, хоҳ маънавий қийинчиликлар пайдо бўлмасин, ўзини ўзи тарбиялай олиши ва шу асосда келажагини барпо этмоғи керак.

**— Ёшларимиз, умуман фарзандлар орасида ҳозиргача ечилмаган ёки ечилиши қийин бўлаётган муаммолар, камчиликлар нимада деб ўйлайсиз?**

— Ёшлар ўртасида ниҳоятда кенг тарқалган ва анча "оммалашиб" бораётган муаммолардан бири, гарчи такрор бўлса-да, айтиш жоизки, бу наркотик моддаларга ҳамда спиртли ичимликларга фарзандларимизнинг муккасидан кетиб қолаётганлигидир. Яна, мўмай пул топиш илинжида, меҳнатдан қочиб, жиноятчилик кўчасига йигит-қизларимизнинг кириб қолаётганлиги ташвишли.

**— Фарзандга оила, мактаб ва атрофдаги таълим-тарбиянинг таъсири ҳақида нима дейсиз?**

— Менимча, шу уч муҳитда муносиб тарбия топган инсон ҳаётда ўз ўрнини топади, деб ўйлайман. Чунки, булар фарзанднинг тарбиясига жуда катта таъсир кўрсатиб, муҳим ўрин эгаллайди. Қачонки, оилада, мактабда ҳамда атроф-муҳитдаги шароит яхши бўлса, албатта, фарзанд тарбиясида ҳам мақташга арзигулик хислатларни сезишимиз мумкин.

**— Зуфар ака, келажак авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлли, доно инсонлар қилиб ўстириш учун яна қандай ишларни амалга ошириш керак, деб ўйлайсиз?**

— Тарбияни мукаммаллаштириш учун биз, аввало, тарихга назар солиб, бунда саодат асри деб аталган уламоларимизнинг гуркираб яшнаган давридан ибрат олмоғимиз лозим. Чунки имом Бухорий, Мотуридий, ал-Фарғоний... каби кўплаб олимларнинг ҳам таълим-тарбияси яхши бўлгани учун биз фахрланган улуғ мартабага эришдилар. Бундан шундай хулоса ясаш мумкинки, уламоларимиз ёзиб қолдирган илмлари, насиҳатлари орқали маънавий билим олиб, улар кўрсатган йўллардан юрмоғимиз даркор.

*Суҳбатимиз якунида бир ривоятни келтириб ўтсак...*

*Кунлардан бир куни ўз даврининг машҳур ва эътиборли зотларидан бирининг олдига бир мешкобчи келиб, ўша машҳур алломанинг ўғлидан шикоят қилибди. Ҳар куни мешкобчи бозорга сув олиб кетаётган пайтда алломанинг ўғли мешкобни бигиз билан тешиб қўядиган одат чиқарибди. 5-6 ёшлар атрофидаги ўғлининг бу ножўя қилиғидан ота мулзам бўлибди ва мешкобчидан узр сўрабди. Ота уйига келиб "Нега ўғлим бу каби беъмани одатни ўрганибди, бераётган тарбиямнинг қаерида адашдим, мен ўғлимга нотўғри билим, тарбия бераётган эканман-да", деб ўйлабди ва ўзи қилган барча ишларни ҳам бир-бир ақл тарозисидан ўтказибди. Аммо аллома ўзидан айб топа олмабди. Шунда у жуфти ҳалолига юзланиб, ўғлининг қилмишини сўзлаб берибди. Аёлига нега бундай бўлаётгани сабабини билолмаётганлигини айтибди. Шунда боланинг онаси ўйланиб туриб бир воқеани сўзлаб берибди. "Ҳожам, — дебди аёл. — Мен ўғлингизга ҳомиладор бўлган вақтимда бир жойга меҳмонга бордим. Ўша хонадонда пўртаҳол (апелсин)га кўзим тушди ва ундан егим келди. Уй бекасидан пўртаҳол сўрашга уялиб, уни сув ичгим келаётганлигини баҳона қилиб меҳмонхонадан чиқариб юбордим ва тўғноғичим билан пўртаҳолни тешиб, тўғноғичимни яладим", дебди. Ҳамма гапдан бохабар бўлган аллома, "Ўша ишни чакки қилган экансиз. Кўрдингизми, сизнинг қўлингиздаги тўғноғич бигиз бўлиб мешни тешмоқда. Биз фарзандимиз олдидаги ота-оналик бурчини нотўғри ўтаётган эканмиз", деб афсусланиб қолибди.*

*Азиз ўқувчи! Хулоса чиқариш сизнинг ҳукмингизда.*

**Шарифа МАДРАҲИМОВА ва**
**Беҳбуд БОТИРОВлар**
**суҳбатлашди.**

# "МУСТАҚИЛЛИК"ДА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясини аҳоли ўртасида янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилаётган турли ёшдаги кишилар дунёқарашини тўғри шакллантиришга ёрдам бериш ниятида Андижондаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан халқ университети ташкил этилди. Халқ университетида машғулотлар бир ойда икки марта ўтказилмоқда.**

**Машғулотларни олиб боришга шу маҳаллада истиқомат қилаётган олимлар, юристлар ва бошқа турли касб эгалари жалб қилинган. Шунингдек, халқ университети кенгаши қошида учта комиссия — ота-оналар билан ишлаш, хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда ёшлар билан ишлаш комисиялари ташкил этилди.**

**Андижон вилояти,**
**"Туркистон-пресс"**

# 2001 yil—Onalar va bolalar yili

**Соғлом фарзанд ота-онанинг фахридир. Оилада фарзанд дунёга келганда ота-онанинг қувончи чексиз бўлиши табиий. Чунки шу оиланинг эртанги куни, номнишони фарзанддир. Туғилган фарзанд ой сайин улғайиб борар экан, аста-секин тили чиқа бошлайди. Унинг ширин-ширин сўзлари оиладагиларга завқ бағишлайди. Лекин вақти-соати келиб фарзандининг нутқида нуқсон борлигини сеза бошлаган ота-онанинг ташвишини бир тасаввур этиб кўринг. Бундай нуқсонни сезган ҳар қандай ота-она унга даво излаши турган гап.**

**Мустақиллигимиз шарофати билан шундай болаларни даволаш масканларини ташкил этишга ҳам катта эътибор берилмоқда.**

## БОЛАЛАР ТАБАССУМИ— ОНАЛАР ҚУВОНЧИ

**Қўқон шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан 1998 йилнинг ноябрь ойида ана шундай нуқсонли болаларнинг мактабгача тарбия даволаш маскани ташкил этилиб, унга 72 нафар бола махсус тиббий кўрикдан ўтказилиб, қабул қилинган эди. Айни кунда 6 гуруҳдан иборат мазкур боғча тарбияланувчилари билан махсус билимга эга малакали дефектолог-логопедлар назорати остида муолажалар олиб борилмоқда.**

**Даволаш муолажалари тил, лаб машқлари, ҳарф ва товуш талаффузи йўналишида олиб борилмоқдаки, бу машғулотлар ижобий натижа бермоқда.**

**— Бундай машқлар тарбиячилардан ниҳоятда сабр-қаноатли бўлишни талаб этади, — дейди боғча мудираси Зуҳрахон Хўжаева. — Чунки бирор ҳарфни ҳам талаффуз эта олмайдиган болани тилга киргизиб, сўз ва гап тузиб, гапиришга ўргатиш осон эмас. Айниқса, бундай болалар инжиқ, қайсар, қолаверса, ийманувчан бўлади. Лекин бизнинг даволовчи тарбиячиларимиз қисқа вақт ичида болаларда ишонч уйғотиб боришмоқда.**

**Ҳа, тили бурро болаларга оддий боғчаларда тарбия бериш, ҳарф ўргатиш анча мушкул иш бўлгани ҳолда нутқида нуқсони бор болаларга сўз ўргатиб, таълим бериш машаққатини ҳис этиш мумкин. М.Маҳмудова, М.Ўтанова, О.Персина каби ўз касбининг усталари болалар кўнглига йўл топиб меҳнат қилмоқдалар. Ана шуларнинг саъй-ҳаракати билан кўпгина болаларнинг тили чиқиб, ота-оналар кўнглида умид уйғонмоқда.**

**— Ушбу боғчада асосан дисламия, пеналамия, аламия деб номланувчи нуқсонли болалар тарбияланиб, даволанади, — дейди Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази бошлиғи У.Абдуллаева. —Бу турдаги мактабгача махсус таълим маскани вилоятда ҳозирча ягона ҳисобланади. Боғча тарбияланувчилари тўлиқ давлат таъминотида бўлиб, кечаю кундуз мутахассислар ва ҳамшира, энагалар назорати остида тарбияланмоқдалар. Бу ердаги тарбияланувчилар ҳар 6 ойда тиббий кўрикдан ўтказилиб, нутқида ижобий ўзгариш бўлган болалар ўз боғчалари ёки ота-оналари бағрига қайтарилиб, улар ўрнига навбатдаги шундай нуқсонли болалар қабул қилинади. 2000 йилнинг июль ойида бўлиб ўтган дастлабки кўрик-текширув 24 нафар тарбияланувчида ижобий ўзгариш борлигини кўрсатди.**

**— Менинг қизим Шоҳсанам умуман бирор сўзни гапира олмас эди, — дейди М.Қосимова, —ҳозирда у бир неча сўзларни бемалол талаффуз қилмоқда. Мен боғча жамоасидан умрбод миннатдорман.**

**Бундай миннатдорлик сўзларини чин дилдан изҳор этаётган ота-оналар сафи тобора кўпайиб бормоқда.**

**Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ**

# ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Hay'at majlisida

*ларни яратиш, уларни таълим жараёнига жорий этиш борасида маълум ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ш.Рашидов туманида ўқувчилар билим даражасини рейтинг тизимида баҳолаш борасидаги дастлабки ишлар 1995 йилдаёқ бошланган. Мазкур ишларда тумандаги 12-мактаби директори Р.Ходжаев, 21-"Шодлик" мактаби директори О.Бозорова, 22-мактаб директори М.Бобожоновлар фаол иштирок этиб, ўзларининг методик ишланмаларини ишлаб чиқиб, туман халқ таълими бўлими ва вилоят малака ошириш институтида муҳокама қилинган ва тажриба тариқасида таълим муассасаларида фойдаланишга рухсат берилган.*

*Бироқ, юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда, Сирдарё вилоятида узлуксиз таълимнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган.*

*Мактабгача таълим ёшидаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси республика кўрсаткичидан юқори бўлса-да, бундай кўрсаткич вилоятнинг Ховос туманида 2,5 фоизни, Оқолтин туманида 5,5 фоизни, Меҳнатобод туманида эса 11,4 фоизни ташкил этади, холос.*

*Вилоятдаги айрим туман (шаҳар) таълим муассасаларида мактабгача таълим бўйича давлат талабларини, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС) талабларини бажариш орқада қолаётир.*

*Сайхунобод туманидаги "Камалак" болалар боғчасининг катта ва тайёрлов гуруҳларида давлат талаблари бўйича тузилган 20 та тест саволларига жавоблар олинганда, уларнинг ўзлаштириш даражаси мувофиқ равишда 25 ва 40 фоизни, "Кичкинтой" болалар боғчаси катта гуруҳи ва тайёрлов гуруҳларида эса 30 ва 55 фоизни ташкил қилди. Мирзаобод ва Оқолтин туманлари боғчаларида ҳам шундай кўрсаткичлар кузатилди.*

*Она тили ва ўқиш фани бўйича бошланғич синфларда (I-IV-синфлар) билим сифатининг энг паст кўрсаткичлари Меҳнатобод (45 фоиз), Ховос (47 фоиз), Гулистон (50 фоиз); V-IX синф ўқувчиларининг она тили ва адабиёт бўйича паст кўрсатгичлари Оқолтин (36,4 фоиз), Гулистон (37,5 фоиз), Меҳнатобод (38,8 фоиз), Ховос (39,3 фоиз) туманларида қайд этилди. Математика фани бўйича вилоятнинг ўртача сифат самарадорлиги кўрсаткичлари бошланғич синфларда 45,7 фоиз, V-IX синфларда 38,6 фоизни ташкил этди. Меҳнатобод (37,8 ва 34,5 фоиз), Ховос (39,4 ва 34,9 фоиз), Сирдарё (41,3 ва 35,4 фоиз) туманлари ўқувчиларининг билим даражалари ундан ҳам паст.*

*Кузатилган Оқолтин, Гулистон, Боёвут, Мирзаобод, Сайхунобод туманлари халқ таълими бўлимларига қарашли умумий ўрта таълим мактабларида ДТС талаблари асосида ҳар бир бўлим ва мавзу бўйича тегишли билим, кўникма ва малакаларни аниқлаб, режага киритиш тавсия этилганига қарамай бунга етарлича эътибор қаратилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири, туман халқ таълими бўлимлари қошидаги методика хоналарининг услубий хизмат кўрсатиш ишларининг пастлигидир.*

*Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ДТС ҳамда янги ўқув дастурлари асосидаги методик қўлланма, тавсия, дидактик материаллар, амалий машғулотлар ўтказиш учун қўшимча методик ишланмалар билан таъминланиш ишлари суст амалга оширилмоқда.*

*Методик хизмат кўрсатиш бўйича фаолияти кузатилган олти тумандан 4 тасида, 35 таълим муассасасидан 17 тасида услубхоналар ҳамда услубий бирлашмаларнинг олиб бораётган ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.*

*Жумладан, услубхоналар томонидан ДТС ва дастурлар бўйича методик тавсия ва йўлланмаларнинг мазмун-моҳияти тўла очиб берилмаган ҳамда услубчилар ва мактабдаги услубий бирлашма раҳбарлари мазкур масалани ўқитувчиларга тўлиқ тушунтирмаганлар.*

*Малакасини ошириб, жойларга қайтиб борган педагогик ходимлар малака ошириш курси давомида олган билимларини амалиётга татбиқ этиш жараёнини услубиёт хоналари услубчилари, мактаб директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, мактаб метод бирлашма раҳбарлари етарли назорат қилмаяпти, яъни назорат тизими яратилмаган. Тингловчи олган билимлар мактаб, туман ва шаҳар ўқитувчилари ўртасида ўрганилмаяпти.*

*2000 йилда педагогик ходимлар малакасини ошириш режасининг бажарилиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, Оқолтин тумани (70 фоиз), Меҳнатобод тумани (65 фоиз), Ш.Рашидов тумани (77 фоиз), Ширин шаҳри (65,1 фоиз), Ховос тумани (81 фоиз) халқ таълими бўлимлари режани бажармаганликлари аниқланди.*

*Институтда илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш усуллари тўла шаклланмаган, тажрибалар мактабнинг ўзида туман ўқитувчилари билангина муҳокама қилинган. Аслида биринчи йил тажриба ўрганилади ва умумлаштирилади, иккинчи йил тажрибадан ўтказилади, учинчи йилда институт кенгашида кўриб чиқилиши керак ва оммалаштиришга тавсия этилиши зарур.*

*Вилоят халқ таълими бошқармаси бу борада ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Ўқувчиларни академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига йўналтириш ва қамраб олиш бўйича ҳамкорликда режа тузилган. Лекин, уларнинг ижроси етарли даражада бажарилмаяпти. Жумладан, вилоятда мавжуд бўлган касб-ҳунар коллежлари классификатори тузилмаган; касб-ҳунар коллежларининг йўналишлари бўйича ахборотномалар чиқарилмаган; вилоят ва туманлар миқёсида касбларга бўлган эҳтиёж ҳам тўлиқ аниқланмаган.*

*Юқорида қайд қилинган туманларда жиҳозланган касб-ҳунарга йўналтириш хоналарининг кўпчилигида ҳудудда фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари, фирмалар ҳақида маълумотлар етарли эмас, ўқувчиларнинг саноат, қишлоқ хўжалик соҳасидаги илғор ишчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фермер, тадбиркорлар билан учрашувлари камдан-кам ҳолларда ўтказилади, ишлаб чиқариш корхоналарига ўқувчиларнинг сайёҳатлари ташкил этилмайди.*

*Фаолияти ўрганилган барча ташхис Марказларининг ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси, меҳнат биржалари, ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар билан ҳамкорлик алоқалари яхши ташкил этилмаган.*

*Жойларда Марказларнинг методик адабиёт ва қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда, кўриб чиқилган олтита тумандан бирортасида амалдаги методика ва қўлланмалар тўла олинмаган.*

*Ҳайъат мажлисида таълимнинг узлуксизлиги, жумладан, мактабгача таълим—умумий ўрта таълим—ўрта махсус, касб-ҳунар таълими орасида, ўқув фанлари орасида таълимнинг узлуксизлиги бўйича олиб борилаётган ташкилий ишлар ва уни ривожлантириш режалари аниқ ишлаб чиқилмаганлиги таъкидланди.*

*Юқорида келтирилган камчиликларга йўл қўйилгани учун ҳайъат мажлисида бир қатор масъул раҳбарларга тегишли чоралар кўриш бўйича кўрсатма берилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар белгиланди.*

*Ҳайъат мажлиси қарорида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига жорий йил 1 августга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари услубхоналарининг жиҳозланиши, уларнинг малакали методистлар билан таъминланганлигини таҳлил этиш, услубхоналарни маҳоратли методистлар билан таъминлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида услубий бирлашмалар иш самарадорлиги устидан назоратни кучайтириш; бир ой муддатда таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида вилоятда "Таълим маркази" ёки унинг филиалини ташкил этиш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиб, Республика таълим марказига таклифлар бериш; ёзги таътил даврида 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича болалар боғчалари, мактаблар, маҳаллалар ҳамкорлигини яхшилаш, бунда айниқса оиладан келадиган 6 ёшли болалар тайёргарлигига алоҳида эътибор бериш вазифалари топширилди.*

*Ҳайъат мажлисини Халқ таълими вазири Р.Ҳ.Жўраев олиб борди. Кенгайтирилган мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Педагог ходимлар малакасини ошириш институтлари ва Давлат педагогика институтларининг ректорлари иштирок этдилар.*

**Акбар БАҲРОМОВ,**
**Халқ таълими вазирлиги Матбуот марказининг масъул котиби**

